

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1892-ҳадис

1892 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «سَيِّحَانُ وَجَيْحَانُ وَالْفَرَاتُ وَالْيَلِيلُ كُلُّهُنَّ مِنْ أَنْهَارِ الْجَنَّةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2839].

1892. Яна у киши розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сайҳон, Жайҳон, Фурот ва Нил - барчаси жаннат дарёларидандир»**, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Сайҳон ва Жайҳон, Амударё ва Сирдарё сувларидир. Жаннат дарёлари дейилишига сабаб унинг суви тоза ва атрофида Ислон кенг қулоч очишидир, дейишган.

Имом Суютий: «Балки ҳақиқатда унда жаннат моддалари бордир», деб айтганлар. Лекин буларнинг барчаси ҳақиқатини якка Аллоҳ билур.

Манба: hadis.islom.uz

